


*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 27-mart, shanba, 36 (23.472)-son


**Кун ҳикмати**

Бекорчиликни бўш вақт деб тушунманг. Дам олиш куни ҳам бўш вақт эмас. Китоб ўқиш, фикрлаш, маънили суҳбат бекорчиликка кирмайди

*Самарқанд вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма еттинчи сессияси **2021 йил 2 апрель куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6096-сонли Фармони ижроси юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Махмарахимовнинг ҳисоботи;
- вилоят ҳудудларида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" асосида амалга оширилаётган ишлар тизимли йўлга қўйилмаган секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳақида;
- вилоятда ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Х.Очиловнинг ҳисоботи тўғрисида;
- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Вилоят ҳокими Э. ТУРДИМОВ**

*2021 йил 25 март*
*55 - Қ*

**Кун мавзуси**



# ҲАЛОЛ-ПОК ИШЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

**24 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилди.**

Обод жой қандай бўлишини барчамиз яхши биламиз. Аниқроғи, ҳар ким ўз дунёқарашича, тасаввурича ва албатта, имкониятига қараб ободликни англайди, шунга интилади. Лекин ҳар қандай киши аввало ҳаёт кечириш учун муносиб шароитни истайди. Бу – бошпана, сув, электр энергияси, бор бўлса табиий газ, бўлмаса суюлтирилган газ баллон, йўл, транспорт билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бирламчи бу шароит бўлса, кейин транспорт-коммуникация инфратузилмаси, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва дам олиш масканлари ҳақида ўйлайди.

Кейинги йилларда тилимизда пайдо бўлган ва бугун шаҳарликлардан бошлаб олис қишлоқ ва овуллар аҳолисигача фаол қўллаётган, орзу қилаётган "обод қишлоқ", "обод маҳалла" деган тушунчалар, дастурлар айнан шу – юртдошларимиз муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни ўзида мужассам этмоқда.

"Манас"дан бошланиб, кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этган бу дастурлар туфайли ҳар бир вилоятда йиллар давомида раҳбарлар, йўлчилар, қурувчилар оёғи етмаган ўнлаб қишлоқлар обод бўлди, аҳолининг инсондек яшаши учун зарур бўлган наинки оддий шароит, балки шаҳардагидан қолишмайдиган имкониятлар яратилди. Энди ўша қишлоқ ва маҳаллалар номи олдига "обод" сўзини қўшиб айтишга ҳам одатландик.

Бу баландпарвоз гап эмас. Қаердаки зарур миқдорда маблағ ажратилиб, белгиланган ишлар тўла-тўкис бажарилган бўлса, шундай шароит, имконият яратилди. Пул берилмай туриб, зўрма-зўраки "ҳомийлик", дўқ-пўписа билан дастурни бажаришга уриниш эса акс натижа берганини, қурилишлар чала қолгани ёки йилдан-йилга ўтганини ҳам кўрдик.

Баъзида эса **ҳудудларни дастурга киритишда "фалончининг қишлоғи, фалончи туғилиб ўсган жой" деган қараш билан ёндашилиб,** ёрдамга муҳтож аҳоли яшаётган қишлоқ, маҳаллалар қолиб кетгани ҳам ҳақиқат.

Йиғилишда қайд этилганидек, энди ҳаммаси бошқача бўлади:

- "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий кенгашлар белгилайди;
- туман ва шаҳар ҳокимининг иқтисод, қурилиш ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари зарур маблағлар ва амалга ошириладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, ҳудудий кенгашларда ҳимоя қилади;
- маҳаллий кенгашлар ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий соҳа, ичимлик суви, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари манзилли дастурини тасдиқлайди, қурилиш вазирлиги ҳокимликлар билан бирга уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга масъул бўлади;
- дастурларга кирган аҳоли пунктларининг "тиббий харитаси" шакллантирилади;
- сектор раҳбарлари ўз ҳудудида бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериб боради.

Энг муҳими, бу йил "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги ишларга мисли кўрилмаган маблағ – **21 триллион сўм йўналтирилади ва мамлакатимиз бўйича 8 минг маҳалла қамраб олинади.**

Энди ҳамма гап ана шу маблағни ўз ўрнида, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, **лойиҳа билан, ҳалол-пок ишлатиб, элга муносиб шароит яратишда.** Маҳаллий кенгашлар депутатларининг ҳар бир қишлоқ, **маҳалла шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий муаммолари, инфратузилмаси оғир ҳудудларни танлаб, дастурга киритишида.**

Дарвоқе, "ҳалол-пок ишлатиш, ишлаш" жумласи йиғилишда кўп такрорланди. Вазир ва ҳокимлар, турли даражадаги раҳбарларнинг бу борадаги масъулияти, жавобгарлиги эслатилди. Халқнинг давлатдан, раҳбарлардан розилиги, эртанги кунга ишончи кўп жиҳатдан масъулларнинг ҳалол-поклиги, вазифага виждонан ёндашишига боғлиқлигида эканлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида Пайариқ тумани ҳокими Д.Мусинов ҳам муҳокама этилган масала юзасидан ҳисобот берди. Унинг қайд этишича, **бу йил туманга барча манбалар ҳисобидан 83 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда** (ўтган йил 24 миллиард сўм ажратилган экан).

– Бу маблағнинг 24,4 миллиард сўми "Обод қишлоқ" дастури доирасида асосан республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан, 16,7 миллиард сўми тўлиқ республика бюджети ҳисобидан инвестиция дастури доирасида, 5,3 миллиард сўми ичимлик суви ва оқова сув таъминоти дастури ҳисобидан, 14,8 миллиард сўми ички йўллар дастуридан, 10,2 миллиард сўми электр тармоқлари дастури ҳисобидан, 6,2 миллиард сўми туман марказлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича ажратилади, – дейди Д.Мусинов. – **Ушбу маблағни ақл билан ҳисоб-китоб қилиб, ҳалол-пок ишлатишимиз, халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтиришимиз керак.** Дастурга тушган қишлоқларимизда халқ депутатлари туман Кенгашининг сайёр сессияларини ўтказиб, айнан шу масалаларни муҳокама қилиб олдик, маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллар билан маслаҳатлашдик. Ҳозирда туманимизда 65 маҳалла, 210 қишлоқ бор. Ажратилаётган маблағларни тежаб ишлатиш ҳисобига 33 маҳалла ва 56 қишлоқни тўлиқ қамраб оламиз. Жумладан, 69 қишлоқда электр энергияси таъминоти яхшиланади, 30 та янги трансформатор, 2500 дона эски симёғочларни янгисига алмаштирамиз, 121 километр тармоқ тортилади. 28 километр тоза ичимлик суви тармоғи тортиш ва 5 та сув иншооти ўрнатиш учун ажратилаётган 5,3 миллиард сўм маблағдан мақсадли фойдаланиб, 39 километр тармоқ тортишни режалаштирганмиз. Бошқа соҳалар бўйича ҳам аниқ режа ва мақсадларни белгилаб олдик.

Йиғилишда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларида белгиланган ишларни **ўн кун ичида бошлаш ва жорий йил 1 ноябрга қадар якунига етказиш** вазифаси қўйилди. Демак, жараённи биргаликда кузатиб борамиз.

**Ғолиб ҲАСАНОВ.**

# "Ёшлар пресс клуби"нинг навбатдаги сессияси Самарқандда ўтказилди

**Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида вилоят тўрт сектори раҳбари ва ёшлар иштирокида "Ёшлар пресс клуби" сессияси бўлиб ўтди.**

Тадбирга ҳар бир туман ва шаҳардан муаммоси мавжуд ёшлар ҳамда стартап лойиҳаларини амалга ошириш истагида юрган фаол йигит-қизлар таклиф этилди.

Сектор раҳбарлари ёшларнинг муаммо ва таклифларини тинглаб, ечимини топиш чораларини кўрди.

- 2020 йилда "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида вилоят ҳокимидан самарқандлик ижодкор ёшларнинг тўпламини чоп этишда ёрдам сўрагандим, - дейди Аббос Шодмонқулов. – Бугунги тадбирда, аввалги мурожаатим ҳал этилгани учун миннатдорлик тарзида "Илк қадам" номли китобимизни тўрт сектор раҳбарига совға қилдим. Шунингдек, бепул тўгараклар, мушоиралар, китобхонлик кечалари ўтказиладиган, умуман, ёш ижодкорларни бирлаштирадиган клуб ташкил қилиш таклифини айтдим. Раҳбарлар бу таклифимни ҳам маъқуллашди.




Тадбир давомида 27 та мурожаат тингланди ва уларнинг ечими бўйича шу ернинг ўзида мутасаддиларга топшириқлар берилди.

**Дилдора МУҲАММАДИЕВА.**

# Мактабларда физика фани кенгроқ ўқитилади

**2021–2022 ўқув йилидан бошлаб Самарқанд вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида физика фани кенгроқ ўқитилади. Жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда физика фани таянч ўқув режада белгиланган ўқув соатлар доирасида ҳафтасига 3 соатдан ўтилади.**



Бу ҳақда вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 мартдаги қарорида белгиланди. Қарорга кўра, 2022 йил 1 январга қадар вилоятда битта "Баркамол авлод" болалар мактабида "STEM" физика клуби ташкил этилади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги қарори билан Самарқанд давлат университети тузилмасида физика соҳалари бўйича кадрлар тайёрловчи "Самарқанд давлат университетининг муҳандислик физикаси институти" ташкил этилади. Шунингдек, университетга физика фани фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Dsc) илмий даражаларини бериш ваколати тақдим этилди.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**

# Коррупция билан боғлиқ ҳолатлар муҳокама этилди

**Вилоят прокурори Р.Машарипов бошчилигидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси ҳамда Булунғур туманида сайёр йиғилишлар ўтказди.**

Қайд этилишича, давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси ходимлари томонидан кейинги бир ой ичида хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ер ажратиш билан боғлиқ иккита фирибгарлик жинояти содир этилган.

Йиғилишда мазкур ҳолат комиссия аъзолари иштирокида кўриб чиқилиб, юз берган жиноятнинг туб сабаблари ўрганилди. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида бошқарма ҳузурида фидойи ва тажрибали ходимлардан иборат "Халқпарвар" комиссияси фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.



Булунғурдаги йиғилишда таъкидланишича, тумандаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидан бирининг директори ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда фуқаро Д.Қ.ни ўзи раҳбарлик қилаётган боғчага тарбиячи ёрдамчиси вазифасига ишга қабул қилиш эвазига, ундан таъмагирлик йўли билан 200 АҚШ доллари талаб қилган.

Фуқаронинг аризасига асосан шу йилнинг 24 март куни иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Булунғур туман бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати туман бўлинмаси ҳамда Миллий гвардия вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда боғча директори 200 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Йиғилишда комиссия аъзолари, туман ҳокими ва вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи мазкур ҳолатга ўз муносабатини билдирди.

Жорий йилнинг 10 март куни тумандаги Ўроқли маҳалла фуқаролар йиғини раиси фуқаролардан биридан 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини фирибгарлик билан олган вақтда ушланган ва мазкур ҳолат ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси томонидан туманда муҳокама қилинганди.

# ЧЕККА ҲУДУДЛАР
## рививожланишдан четда эмас

**Нуробод ва Қўшработ туманлари ҳақида гап кетганда одатда дашт ва чўл ҳудудлари тушунилиб, иқтисодий имкониятлари паст баҳоланади. Аммо кейинги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида вилоятнинг энг чекка туманларида ҳам саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб бормоқда.**




### ҚЎШРАБОТДА ТУРКЛАР КВАРЦ, ҲИНДЛАР ГРАНИТ ҚАЗИБ ОЛАДИ

Лойиҳалар учун 2 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилади.

Жумладан, ҳиндистонлик инвесторлар билан "EDIFCE ELITE" МЧЖ хорижий корхонаси ташкил этилган. Корхона томонидан 1 миллион долларлик гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шунингдек, туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда "BOZTOSH BETON" МЧЖ ташкил этилган. Корхона томонидан кварц тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси асосида 1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган.

Лойиҳанинг биринчи босқичида - 2020 йилда 600 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Жорий йилда 400 минг доллар инвестиция жалб этилиб, 11 та янги иш ўрни яратилади.

- Сўнгги икки йилда ҳудудда 17 та қўшма корхона ташкил этилди, - дейди туман ҳокими Ҳ.Оқбўтаев. - Жами 976 гектар ер майдони ажратилган "HIGHBY GROUPS" МЧЖ Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси техник каннабис етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширмоқда. Қиймати 7 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида 60 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Бундан ташқари, жорий йилда саноат соҳасида 88,3 миллиард сўмлик 24 та, хизмат кўрсатишда 102,2 миллиард сўмлик 80 та, қишлоқ хўжалигида 225,6 миллиард сўмлик 170 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Мисол учун, "Қўшработ Ломанн парранда" МЧЖ томонидан Германия технологияси асосида замонавий паррандачилик кластери лойиҳаси ишга туширилиши белгиланган. Натижада йилига 24 миллион дона тухум, 10 миллион бош 1 кунлик жўжа, 80 тонна парҳезбоп парранда гўшти олинади.

Қурилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган икки ой учун туман маҳаллий бюджети даромадлари режаси 6 миллиард 900 миллион сўм ўрнига 10 миллиард 200 миллион сўмга бажарилган.

### НАРПАЙДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН КОРХОНА ҚУРИЛЯПТИ

Ўз вақтида аграр соҳадаги ютуқлари билан донг таратган нарпайликлар бугун саноат соҳасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бунинг натижасида айни пайтда туманда экспорт ҳажми импортга нисбатан ортган. Яъни, четдан келтирилаётганига нисбатан хорижга юборилаётган маҳсулот ҳажми кўпайган.

- Биргина "NBA ALLANZ" масъулияти чекланган жамияти томонидан 5,5 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда, - дейди туман ҳокими Ш.Раҳмонов. - Мазкур корхонада импорт ўрнини босувчи гипсакартон листлари учун картон қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Яъни корхонага ишга қабул қилинган 100 киши гипсакортон учун 36 минг тонна хомашё тайёрлайди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда республикамизга гипсакартон листлари учун йилига 108 минг тонна картон қоғоз импорт қилинади. Демак, корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот умумий эҳтиёжнинг 33 фоизини қоплайди. Бошқача айтганда, корхона фаолиятини бошлагандан сўнг тоннаси 750 доллардан 27 миллион долларлик ярим тайёр маҳсулот тайёрлайди.

Туманда яна бир йирик лойиҳа пахта кластери - "Мароқанд сифат" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга ошириляпти. Бу ерда йилига 5 минг тонна пахта ип-каласи ишлаб чиқарилади. Жами 150 та янги иш ўрни яратиш белгиланган лойиҳа март ойида 50 фоиз қувватда иш бошлади.

Олинган маълумотга кўра, 2021-2022 йилларда туманда қиймати 570,9 миллиард сўмлик 119 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 1516 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Жумладан, саноат соҳасини ривожлантириш бўйича 287,7 миллиард сўмлик 29 та инвестиция лойиҳаси бажарилади ва 783 та янги иш ўрини яратилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида 196,3 миллиард сўмлик 72 та инвестиция лойиҳа орқали 506 кишини иш билан таъминламоқчимиз. Қишлоқ хўжалигида эса 227 та янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун 86,9 миллиард сўмлик 18 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган.

Ҳар бир йўналишдаги инвестицион лойиҳаларда мақташга арзигулик жиҳатлар бор. Масалан, Муртазо Шопиев массивида "Инновацион боғлар" фермер хўжалиги томонидан қиймати 12,6 миллиард сўмлик узумчилик хўжалиги ташкил этилмоқда. "Mo'jiza-agro grupp" фермер хўжалиги 320 минг доллар банк кредити асосида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган замонавий жиҳозлар асосида 2,1 гектар майдонда иссиқхона қурмоқда.

Хизмат кўрсатиш йўналишида "Нарпай Ифтихор саноат" масъулияти чекланган жамияти халқаро М-37 автомагистраль йўл ёқасида 1,5 миллион долларлик замонавий меҳмонхона қуряпти.

### НУРОБОДЛИКЛАР СИНГАПУРГА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ

Ҳудудда чангютгич, кир ювиш машинаси ва музлаткич ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бугунги кунда хориж бозорларига қурилиш материаллари, шу билан бирга радиаторлар ҳам чиқарилмоқда.

"Press Plast Invest" МЧЖ маиший техника (чангютгич) ишлаб чиқариш бўйича қиймати 4 миллиард 694 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширмоқда. "Tesco Plus" МЧЖ эса кир ювиш машиналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Қиймати 7 миллиард 122 милион сўмлик лойиҳа доирасида 22 та иш ўрни яратилади. "TESPACK" МЧЖ 53 миллиард 200 миллион сўм маблағ асосида музлаткич ишлаб чиқаришни ташкил этади.

- Жорий йилда фақат электротехника саноати йўналишида 5 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган, - деди туман ҳокимининг инвестиция ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Шуҳрат Қораев. - Ушбу йўналишда 277 та иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, туманда саноатнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида 7 та лойиҳа амалга оширилади. Шу орқали 400 га яқин фуқаронинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида хориж бозорларига чиқарилаётган маҳсулотларда саноат маҳсулотлари улуши ҳам ортиб бормоқда. Қайд этилишича, туманда жорий йил учун 6 миллион 107 минг долларлик экспорт режаси ўрнатилган.

Мисол учун, "MIRANKUL CONSTRUCTION MATERIALS LTD" масъулияти чекланган жамияти томонидан Сингапурга қурилиш соҳасида ишлатиладиган 5 миллион долларлик металл конструкциялар етказиб берилди.

Январь-февраль ойларида тумандан 231 минг долларлик ПВХ қувурлари, фитинглар, пластик таралар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган.

**Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.**

**Булунғур туманида "Ёшлар дафтари" рўйхатини шакллантириш мақсадида ўтказилган хатловда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 32 минг нафардан зиёд йигит-қиз мавжудлиги аниқланган. Уларнинг 4096 нафари вақтинча хорижда ва бошқа вилоятларда яшаётганлиги маълум бўлган. 27 минг 936 нафари ҳақида анкета сўровномалари тўлдирилиб, муаммолари ўрганилган.**



# Булунғурда 5 мингдан ортиқ ёшнинг муаммоси бор

### АСОСИЙ МАСАЛА - ИШСИЗЛИК

Анкета сўровлари натижасида туман ёшларининг 4453 нафарини ишсизлик, 760 нафарини эса турли ижтимоий муаммолар қийнаб келаётгани аниқланган.

"Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган йигит-қизлар билан тизимли ишлаш мақсадида туман ҳокимлигида махсус штаб ташкил қилинган. Бу ерда мутасадди ташкилотлар вакиллари рўйхатдаги ёшларни электрон базага киритиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган чораларни назорат қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

### СЕКТОР РАҲБАРИ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВЛАРИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРДИ?

Штабдан олинган маълумотларга кўра, 2020 йил ноябрь ойидан шу пайтга қадар тумандаги сектор раҳбарлари ва ёшлар ўртасида 180 та учрашув ўтказилиб, 2308 та мурожаат келиб тушган. Жорий йилнинг 17 март ҳолатига кўра 1776 та муаммо ҳал қилинган. Мурожаатларнинг 353 таси бажарилмаган, 58 таси рад этилган, 121 таси ечим учун муддат талаб қилинадиган мурожаатдир.

- 2020 йил карантин сабаб ишсиз қолдим, - дейди Сирожиддин Бурхонов. - 23 декабрда туманимиз ҳокими билан учрашувда шахмат тахтаси ясаб, ҳунармандчилик билан шуғулланиш истагим борлигини айтиб, 30 миллион сўм кредит олишга ёрдам беришини сўрадим. 4 кун ичида имтиёзли кредит ажратилди. Жорий йилнинг январь ойидан фаолиятимни бошладим. 4 нафар ёшни иш билан таъминладим. Бир ойда 6 ўлчамда мингдан зиёд шахмат тахтаси ясаб, республикамизнинг олти вилоятига сотяпмиз. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикасидан ҳам буюртма келяпти. Олган кредитни деярли қайтариб бўлдим.

Бу яхши, аммо айрим ёш бир нечта масалада мурожаат қилган. Уларни қийнаб келаётган муаммолардан бири ҳал этилиб, иккинчиси бажарилмасдан қоляпти. Баъзилари эса номигагина ечим топяпти. 2020 йил 16 декабрь куни ўтказилган учрашувда иштирок этган ёшлардан бири билан телефон орқали боғланиб бунга гувоҳ бўлдик.

- Икки масалада мурожаат қилгандим, - дейди Элобод маҳалласида яшовчи Маҳлиё Абдураҳмонова. – Биринчиси кўзимни даволатиш бўйича бўлса, иккинчиси ишсизлик муаммоси. Тўғри, бир марта кўзимни бепул текшириб, дорилар ёзиб беришди ва шаҳарда даволанишим кераклиги айтилди. Аммо моддий жиҳатдан қийинчилик бўлганлиги сабабли даволанишга имкониятим йўқ. Кўзим касалланганлиги сабабли чанг бор жойда ишлай олмайман. Маъқул иш эса топилмаяпти, ишсизликдан қийналяпман.

### ҲЕЧ БИР ЁШ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Туманда 398 нафар ёш мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Қишлоқ хўжалигига қизиқадиган 445 нафар йигитга ер майдонлари ажратиб берилди.

- Булунғур қишлоқ хўжалик коллежини битирганман, - дейди Нурлийўл маҳалласида яшовчи Шариф Худойбердиев. – 3 йилдан бери ишсизлик муаммоси қийнаб келарди. Сектор раҳбари ва ёшлар учрашувида деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб беришларини сўраб мурожаат қилдим. "Тожибоев Адҳамбек даласи" фермер хўжалигидан 25 сотих ер берилди. Энди бу ерда сабзавот маҳсулотлари етиштириб, яхши даромад қиламан, деган умиддаман.

- "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган ҳеч бир йигит-қиз эътибордан четда қолмайди, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари Камолиддин Ғаффоров. - Тадбиркорликка қизиқадиган ва кредит олиш истагида бўлган 196 нафар ёшга 3 миллиард 970 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда бир ҳафталик ўқув курслари ташкил этилди ва 97 нафар йигит-қизга сертификат берилди.

162 нафар ёш 1- ва 2-сон касб-ҳунар мактабларида ўқитилмоқда. "1+1" лойиҳаси доирасида 78 нафар йигит-қиз тадбиркорларга бириктирилди. Шунингдек, 43 нафар ёшга 112 миллион 750 минг сўмлик асбоб-ускуна олиб берилди.

Туманнинг Хўжамазгил маҳалласидаги 32 нафар ёшга субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилди. Узумчиликка ихтисослашган кооперация ташкил этилиб, 20 нафар ёшга 1 гектардан ер ажратилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат)**
**«Зарафшон» мухбирлари.**

«««« "Зарафшон"га жавоб берадилар »»»»

# Лойишда автотураргоҳ, Суғончида маҳалла учун бино қурилади

**"Зарафшон" газетасининг 32-сонида "Оқдарёнинг "оқ" ва "қора"си" сарлавҳаси остида мақола чоп этилган эди. Унда келтирилган камчиликлар, муаммолар туман ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди.**

Ҳақиқатан ҳам Лойиш шаҳарчасининг Амир Темур кўчаси кенгайтирилиб, қайта таъмирланишига қарамасдан тирбандлик кузатилмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида "Оқдарё деҳқон бозори" ёнидан автотураргоҳ бунёд этиш учун ер майдони ажратилган. Айни пайтда бу ерга шағал ётқизилган. Асфальтлаш ишлари амалга оширилгач, муаммо бартараф этилади.

Мақолада Суғончи маҳалла фуқаролар йиғини биноси ачинарли аҳволда эканлиги айтилган. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биносини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш бўйича тадбиркор билан шартнома тузилган. Ҳозирда қурилиш ишлари бошланди. Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида янги бино фойдаланишга топширилади.

6-умумий ўрта таълим мактабидаги камчиликлар 2021 йил 18 март куни туман халқ таълими бўлими томонидан муҳокама қилинди. Юқори синф ўқувчиларининг ота-оналарига фарзандларининг дарсларда тўлиқ қатнашиши бўйича тушунча берилди. Дарс пайтида ўқувчилар давоматининг сусайишига эътиборсиз бўлган мактаб директори Ч.Муҳаммадиевага нисбатан интизомий чора кўрилди.

14-сонли мактабгача таълим ташкилоти 1984 йилда қурилган бўлиб, қуввати 75 ўринли, ҳозирги кунда ташкилотда 80 нафар бола тарбияланмоқда. 21 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилотнинг битта машғулот хонаси 2020 йил жорий таъмирланди. 2021 йил Инвестиция дастури асосида боғчанинг 150 ўринга мўлжалланган янги биноси қурилади.

**Оқдарё тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.**

# Сил қашшоқлик хасталигими?

**Аҳоли орасида сил хасталигини даволаб бўлмас касаллик сифатида қараш шаклланган. Қолаверса, у қашшоқлик келтириб чиқарадиган касаллик, деган тушунча ҳам мавжуд. Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази мутахассислари билан суҳбатлашиш жараёнида бу қарашлар аллақачон эскирганига амин бўлдик. Бугун ушбу муассасада аҳолининг турли қатламлари даволаниб чиқмоқда. Ҳа, сил хасталиги ўз вақтида аниқланганда, даволаш имкони бир неча карра юқори бўлади.**



- 2010 йилда сил хасталигига чалиниб, рўйхатда турувчи беморлар сони 10 мингга яқин бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 3400 нафарни ташкил қилди, - дейди вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази директори Шерали Шерқулов. - Кейинги йилларда касаллик эрта босқичларда аниқланмоқда. Натижада уларни даволаш ва рўйхатдан чиқариш кўрсаткичи кескин ошмоқда. Шуning баробарида диагностика, даволаш бўйича ҳам янгидан-янги, замонавий технологиялар татбиқ этилди. Мисол учун, марказимиздаги референс лаборатория мамлакатимизда учта вилоятда мавжуд шундай самарали диагностикани таъминлаб берувчи муассасалардан биридир. Минтақавий лаборатория қўшни вилоят аҳолиси учун ҳам хизмат кўрсатиб, унда авваллари бир ярим ой давомида аниқланган таҳлил бугун бир ярим соат ичида аниқланмоқда. Табиийки, бу муддат касалликни эрта аниқлаб, даволашга ҳам ўз вақтида киришиш имконини беради.

Яқинда мазкур марказда юқори нафас йўллари ва ўпкадаги носпецифик касалликларни диагностика қилиш ва даволаш мақсадида 60 ўринли алоҳида пульмонология бўлими ташкил этилди. Мутахассисларнинг айтишича, бу бўлимда сил касаллигига тегишли бўлмаган, ўпка билан боғлиқ хасталиклар бепул даволанади.

Марказга борган кунимиз соғлом турмуш тарзи тарғиботини ўзларидан бошлаган тиббиёт ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик.

- Жисмоний ҳаракат ҳар бир хасталикнинг олдини олади, - дейди марказ бўлим мудири Абдували Ашуров. – Шунинг учун спорт мусобақалари ўтказиш муассасамизда анъанага айланиб бормоқда. Жуда катта ҳудудда жойлашган марказимиз ўз боғига эга. Тоғ ҳудудига яқин бўлгани учун бу масканда кўпроқ пиёда юриш беморлар учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам фойдали.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

**Вилоят қон қуйиш маркази ходимлари Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасида тадбир ташкил қилди.**

## Соғлом одамда гемоглабин даражаси қанча бўлиши керак?

Бирлашмада ишлаётган шифокор ва ҳамширалар, шунингдек, бирлашма ҳисобида турган "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган аҳоли ва беморлар учун организмда қоннинг аҳамияти, гемоглабин даражаси аёлларда 120, эркакларда эса 130 дан юқори бўлишини таъминлаш омиллари ҳақида сўз юритди.

Шу билан бирга, шаҳардаги тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг рўйхатини тузиш учун бирлашма шифокорлари билан бирга жойларга чиқиб, уларни тиббий кўрикдан ўтказди, соғлом аёллар ҳар уч ойда, эркаклар икки ойда бир марта донорлик қилиш мумкинлиги, бунинг саломатлик учун фойдаси ҳақида тушунча берилди.

**Олим МАНСУРОВ,**
**вилоят қон қуйиш маркази бўлим бошлиғи.**

# Янги агентлик хатлов ўтказяпти

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда унинг вилоят бошқармалари, шаҳар, туман бўлимлари ташкил этилди.**

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан агентлик ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида давлат назоратини амалга оширади.

Шунингдек, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва ушбу ер участкаларида иморат қурилишини аниқлаб, ер участкаси чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўради.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, вилоят бошқармаси ва қуйи тизимдаги ер назоратчилари томонидан хатлов ўтказилмоқда. Ўтказилган хатловларда 451 ҳолатда 66 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланган. Шундан 45 гектари уй-жой қуриш мақсадида, 4 гектар нотурар жой қуриш, 14 гектар томорқа сифатида ва 2 гектар бошқа мақсадларда эгалланган.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қонунбузилишини содир этган шахсларга 250 та ёзма кўрсатмалар, 78 та ердан фойдаланувчи субъектларга ҳамда 287 та маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар, 88 ҳолатда прокуратура ва суд органларига маълумотлар киритилди.

Қайд этиш лозимки, агентликка жорий йил 1 июлга қадар:

- ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиш бўйича «E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш;

- ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни «E-YER NAZORAT» тизимига киритиб бориш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари, судлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимига интеграция қилиш вазифаси юклатилган.

**Фозилбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи.**

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

## қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади

**КАФЕДРА ПРОФЕССОРИ ЛАВОЗИМИГА:**

1. Генетика ва биотехнология кафедраси – 1 ставка (биология фанлари доктори);
2. Генетика ва биотехнология кафедраси – 0,5 ставка (биология фанлари номзоди);
3. Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё кафедраси – 1 ставка (биология фанлари номзоди);
4. Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё кафедраси – 1 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди);
5. Мактабгача таълим назарияси ва методикаси кафедраси – 1 ставка (педагогика фанлари номзоди);
6. Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ таълими кафедраси – 0,75 ставка (юридик фанлари доктори);
7. Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси – 1 ставка (фалсафа фанлари доктори);
8. Мева-узумчилик ва сабзавотчилик кафедраси – 1 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари доктори);
9. Мусиқа таълими кафедраси – 1 ставка (педагогика фанлари номзоди).

**КАФЕДРА ДОЦЕНТИ ЛАВОЗИМИГА:**

1. Математик анализ кафедраси – 1 ставка (физика-математика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
2. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси – 1 ставка (физика-математика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
3. Дифференциал тенгламалар кафедраси – 0,5 ставка (физика-математика фанлари номзоди);
4. Ахборотлаштириш технологиялари кафедраси – 1 ставка (техника фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
5. Умумий физика кафедраси – 1 ставка (физика-математика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
6. Қаттиқ жисмлар физикаси кафедраси – 2 ставка (физика-математика фанлари номзоди);
7. Назарий физика ва квант электроникаси кафедраси – 1 ставка (физика-математика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
8. Истиқлол даври адабиёти ва адабиёт назарияси кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
9. Ўзбек тилшунослиги кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
10. Тожик тили ва адабиёти кафедраси – 3 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
11. Хорижий шарқ тиллари кафедраси – 1 ставка (филология фанлари номзоди);
12. Зоология кафедраси – 1 ставка (биология фанлари номзоди);
13. Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё кафедраси – 1 ставка (биология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
14. Органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси – 1 ставка (кимё фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
15. Аналитик кимё кафедраси – 1 ставка (кимё фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
16. Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси – 1 ставка (кимё фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
17. Гидрометеорология кафедраси – 1 ставка (техника фанлари номзоди);
18. Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси – 1 ставка (география фанлари номзоди);
19. Умумий психология кафедраси – 1 ставка (психология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
20. Социология ва ижтимоий фанлар кафедраси – 1 ставка (социология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
21. Бошланғич таълим методикаси кафедраси – 1 ставка (педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
22. Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
23. Мактабгача таълим назарияси ва методикаси кафедраси – 1 ставка (педагогика фанлари номзоди);
24. Мактабгача таълим назарияси ва методикаси кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
25. Умумтехника фанлари ва технология кафедраси – 1,75 ставка (техника фанлари номзоди);
26. Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси – 1 ставка (иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
27. Рақамли иқтисодиёт кафедраси – 4 ставка (иқтисод фанлари номзоди);
28. Рақамли иқтисодиёт кафедраси – 1 ставка (техника фанлари номзоди);
29. Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси – 2 ставка (иқтисод фанлари номзоди);
30. Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси – 2 ставка (иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
31. Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ таълими кафедраси – 2 ставка (юридик фанлари номзоди);
32. Агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси – 2 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди);
33. Мева-узумчилик ва сабзавотчилик кафедраси – 1 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди);
34. Мева-узумчилик ва сабзавотчилик кафедраси – 1 ставка (биология фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори);
35. Тупроқшунослик ва агротехнология кафедраси – 2 ставка (техника фанлари номзоди);
36. Тупроқшунослик ва агротехнология кафедраси – 1,5 ставка (биология фанлари номзоди);
37. Тупроқшунослик ва агротехнология кафедраси – 2 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди).

**КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА:**

1. Назарий физика ва квант электроникаси кафедраси – 1 ставка;
2. Истиқлол даври адабиёти ва адабиёт назарияси кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
3. Ўзбек тилшунослиги кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
4. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси – 1 ставка (филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
5. Рус тили кафедраси – 4 ставка;
6. Рус тилшунослиги кафедраси – 1 ставка;
7. Инглиз тили кафедраси – 1 ставка;
8. Зоология кафедраси – 1 ставка;
9. Ботаника кафедраси – 1 ставка;
10. Аналитик кимё кафедраси – 1 ставка;
11. Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси – 1 ставка (кимё фанлари номзоди);
12. Психология назарияси ва амалиёти кафедраси – 1 ставка;
13. Умумтехника фанлари ва технология кафедраси – 3 ставка;
14. Муҳандислик графикаси кафедраси – 1 ставка;
15. Тасвирий санъат кафедраси – 1 ставка;
16. Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси – 1 ставка;
17. Агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси – 1 ставка.

**КАФЕДРА АССИСТЕНТИ ЛАВОЗИМИГА:**

1. Дифференциал тенгламалар кафедраси – 0,5 ставка;
2. Ахборотлаштириш технологиялари кафедраси – 2 ставка;
3. Оптимал бошқарув усуллари кафедраси – 1 ставка;
4. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси – 1 ставка;
5. Хорижий шарқ тиллари кафедраси – 1 ставка;
6. Рус ва чет эл адабиёти кафедраси – 2 ставка;
7. Рус тилшунослиги кафедраси - 1 ставка;
8. Инглиз тили кафедраси – 1 ставка;
9. Зоология кафедраси – 1 ставка (биология фанлари номзоди);
10. Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё кафедраси – 1 ставка;
11. Органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси – 1 ставка;
12. Физикавий ва коллоид кимё кафедраси – 1 ставка;
13. Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси – 1 ставка;
14. География ва табиий ресурслар кафедраси – 1 ставка;
15. Психология назарияси ва амалиёти кафедраси – 1 ставка;
16. Социология ва ижтимоий фанлар кафедраси – 1 ставка;
17. Спорт турларини ўқитиш методикаси кафедраси – 1 ставка;
18. Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси – 2 ставка;
19. Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси – 1 ставка;
20. Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси кафедраси – 6 ставка;
21. Мактабгача таълим назарияси ва методикаси кафедраси – 1 ставка;
22. Ўзбекистон тарихи кафедраси – 1 ставка;
23. Тасвирий санъат кафедраси – 1 ставка;
24. Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси – 4 ставка;
25. Рақамли иқтисодиёт кафедраси – 3 ставка;
26. Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси – 0,5 ставка;
27. Мева-узумчилик ва сабзавотчилик кафедраси – 1 ставка (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори);
28. Тупроқшунослик ва агротехнология кафедраси – 1 ставка.

**Талабгорлар танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

*1. Ректор номига ариза;*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича сўровнома;*
*3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлари, илмий унвони ҳақидаги аттестати нусхалари;*
*4. Илмий ишлари рўйхати;*
*5. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.*

Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**МАНЗИЛ: Самарқанд давлат университетининг тўққиз қаватли биноси, 203-хона, ходимлар бўлими. Телефон: 66-239-12-31.**

# ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

**Самарқанд қурилиш коллежи танлов асосида малакали мутахассисларни қурилиш соҳаси бўйича ишга таклиф қилади.**

**Қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари қабул қилинади:**

*1. Бетончи (монолитчи, арматурачи, опалубкачи);*
*2. Ғишт терувчи;*
*3. Электрогазпайвандчи;*
*4. Дурадгор (пол усти коплamaларини терувчи);*
*5. Сувоқчи;*
*6. Бўёқчи-безакчи;*
*7. Сантехника ишлари устаси;*
*8. Электромонтажчи (электрик);*
*9. Стропалчи (кран машинисти ёрдамчиси);*
*10. Қопловчи-плиткачи;*
*11. Пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажчиси;*
*12. Гипсокартон монтажчиси;*
*13. Кран машинисти (кранчи);*
*14. Том ёпувчи.*

**Ойлик иш ҳақи штатлар бирлиги асосида белгиланади (2 000 000 - 2 500 000 сўмгача).**

Талабгорлардан ҳужжатлар 2021 йилнинг 31 март кунига қадар (шу куни ҳам) қабул қилинади.

**Маълумот учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз ҳамда маълумотнома (объективка)ни қолдиришингиз мумкин: +99866-231-23-24, +99893-725-26-51.**

# СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРНИ ЗАХИРАГА КИРИТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.**

Шу муносабат билан судьялик лавозими захирасига кириш истагини билдирган шахслар тегишли малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар мурожаат қилиши мумкин.

**Судьялик лавозимига номзодлар захирасига кирувчининг аризасига қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

*1. Сўровнома;*
*2. Таржимаи ҳол;*
*3. Олий юридик маълумот тўғрисида диплом нусхаси;*
*4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
*5. Паспорт нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан тавсифнома;*
*7. Фаолиятига оид бошқа ҳужжатлар.*

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мингтут кўчаси, 1-уй. Телефонлар: +99866-234-93-02, +99893-990-61-16.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Ширинов Собир Бахроновичга (2020 йил 3 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Жамшид Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Джалилов Имамкулга (2009 йил 2 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Жамшид Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси. Телефон: 91-319-00-87.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасида марҳум Мирзаева Ходжибегимга (2011 йил 22 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Амриддинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасида марҳум Эсанов Тахирга (2001 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Амриддинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Рофиев Махмуджон Мухторовичга (2020 йил 10 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Максумов Немат Хасановичга (2020 йил 9 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Булунғур туманидаги “Ислом” фермер хўжалигининг (СТИР: 202997690) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Тошпулатова Барчиной Камоловна номига берилган O`R-SH № 0615758 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Паст Дарғом туман 2-сон касб-ҳунар мактабидан) 2012 йилда Фарходов Жавлон Комил ўғли номига берилган рўйхат рақами 559, К № 2509028 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Паст Дарғом туман 2-сон касб-ҳунар мактабидан) 2016 йилда Очилов Шахрам Ёрқин ўғли номига берилган рўйхат рақами 457, К № 4267196 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Тохирова Саврия Нуриддиновна номига берилган O`R-SH № 0239990 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2009 йилда Юсупова Зухра Насридиновна номига берилган рўйхат рақами 821, К № 0973941 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 1-ўрта мактабдан 1988 йилда Халикова (ҳозирда Садулоева) Райхона Насретдиновна номига берилган А № 119033 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 1-ўрта мактабдан 1995 йилда Надирова Гулчеҳра Баҳроновна номига берилган АО № 124335 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги “ZARNUR TIBBIY MARKAZI” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 304930335) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут миллий ҳунармандчилик лицейидан 1987 йилда Охунбобоев Абубакир (дипломга Абдубакир деб ёзилган) Орипович номига берилган № 096370 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги Аллаёров Синдор Хамзаевич якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 504544097) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Никифорова Антонина Гавриловна ва Ишанкулова Зебинисо Вахобовналар ўртасида 2008 йил 22 апрелда Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 181-уйнинг 50/100 қисми учун тузилган, Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланиб, 2-916 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Самарқанд шаҳар филиалидан Ишанкулова Зебинисо Вахобовнага қарашли Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 181-уйнинг 50/100 қисми учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси лицей рус тили ва адабиёти кафедраси мудири Нигина Олимовага қайнотаси

**Алимжан БОБОМУРОТОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# Спектакллар бепул намойиш этилмоқда

**Театр. Бу даргоҳда не-не истеъдодли актёрлар рол ижро этмади. Қанчадан-қанча спектакллар саҳналаштирилмади. Саҳна шундай мўъжизали жойки, бу ерда актёр борлиғини унутиб, рол ижро этади. Қаҳрамонининг дарди, қайғуси билан яшайди. Томошабинни ҳам унинг шодлигига, ғам-ташвишига шерик қилади. Бу маскан ҳаётнинг кўзгуси. Унда ўзимизни, яқинимизни, атрофимиздагиларни кўришимиз, ҳаётий сабоқ олишимиз мумкин.**



1961 йил ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институти томонидан Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган IX конгрессда 27 март - Халқаро театр куни сифатида белгиланган.

Ҳозирда жаҳоннинг 100 дан зиёд мамлакатида ушбу кун театр санъати ходимларининг касб байрами сифатида нишонланади. Жумладан, юртимиз театрларида ҳам. Ўтган йил коронавирус пандемияси сабаб карантин эълон қилинган бўлса-да, театр ижодкорларининг фаолияти тўхтагани йўқ. Мавсумда намойиш этилиши белгиланган спектакллар онлайн, масофадан туриб саҳналаштирилди. Вилоят мусиқали драма театрида грузин драммaтурги Авксенти Цагарелининг “Хонума”, Каттақўрғон драма театрида “Баҳром ва Дилором”, вилоят қўғирчоқ театрида Баҳодир Ялангтушбий ҳақида “Қанотли Барс” спектакллари саҳналаштирилди.

- Бу йилги 106-мавсумда театр ихлосмандлари учун ўзбек ва жаҳон классикасининг энг нодир асарларини саҳналаштиришга ҳаракат қилдик, - дейди вилоят мусиқали драма театри директори Камолиддин Қоржовов. - Ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг “Турон маликаси” романи асосида театрнинг бош режиссёри Шуҳрат Саноқулов томонидан саҳналаштирилган “Бибихоним” тарихий мусиқий драмаси, журналист, таниқли ижодкор Фармон Тошевнинг асари асосида режиссёр Ғофур Мардонов томонидан саҳналаштирилган “Тазарру” спектакли ҳамда драматург Авксенти Цагарели қаламига мансуб асар бўйича режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирган “Хонума” мусиқали комедия асари премьераси бўлиб ўтди. Шу билан бирга ёш режиссёр Мурод Турдиев буюк маърифатпарвар бобомиз, театримизга тамал тоши қўйган адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасини саҳналаштириб, “Дебют” фестивалида “Томошабин эътирофи” номинацияси ғолиби бўлди. Театр ҳафталигида мавсумнинг энг сара, янги спектаклларини намойиш этяпмиз.

Ушбу ҳафтада ўтказилаётган театр ҳафталигида томошабинлар спектаклларни бепул кўриши мумкин. Ҳафта давомида ижодий учрашувлар, театр тарихи музейига ташриф, театр фойесида рассомларнинг кўргазмалари, репертуардаги спектаклларнинг реквизит ва декорацияларининг кўргазмалари ташкил этилди. Қувонарлиси, бу галги “Театр томошалари ҳафталиги” доирасида намойиш этилган спектаклларга нафақат самарқандлик, балки бошқа вилоятлардан ҳам томошабинлар келмоқда. Андижон, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган меҳмонлар “Бир ўлиб кўрайчи” ҳамда “Тазарру” спектаклларини мириқиб томоша қилишганини эътироф этди.

Сиз ҳам театрга келинг, спектакль томоша қилинг. Шунда унинг завқини туясиз, актёрларнинг маҳорати, спектаклларнинг тарбиявий аҳамиятига гувоҳ бўласиз.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

**Санъатшунослар ҳаётни театр саҳнасига қиёслашади. Унда ҳар ким ўз ролини ижро этади. Театр – ҳаёт ҳақиқатларини рўй-рост акс эттиргани учун ҳам маърифатпарвар бобомиз Беҳбудий айтганидек, мудом инсонлар эътиборида ибрат мактаби сифатида яшаб келмоқда.**

# Томошабин қалбига йўл топиб...

Ҳар бир соҳанинг ўз жонкуяр одамлари бўлгани сингари юртимизда театр санъатини ўз қисматига айлантирган, бу соҳага борлиғини бахшида этиб келаётган санъаткорларимиз талайгина. Меъмор баланд бинолар қуриш, ўқитувчи ёшларга илму маърифат улашиш, шифокор беморларни даволаш орқали ўз ҳаётига мазмун бахш этади. Актёр эса мана шу заҳматкаш, жонкуяр халқни гоҳ меъмор, гоҳ устоз, гоҳида шифокор тимсолида саҳнага олиб чиқади.



Халқаро театр куни арафасида барча саньат даргоҳлари янги спектакллар тайёрлашяпти, саҳна ижодкорларининг аҳоли билан мулоқотлари уюштириляпти. 1921 йилда ўзининг илк пардасини “Қонли кун” спектакли билан очган Каттақўрғон шаҳар драма театри ижодий жамоаси ҳам ўз репертуарини шу кун руҳида ва томошабин талабига мос саҳна асарлари билан бойитиб бормоқда.

– Шу кунларда "Театр ва томошабин" мулоқотлари уюштиряпмиз, энг яхши спектаклларимизни туманлар ва билим даргоҳлари саҳналарида намойиш этяпмиз, - дейди театр раҳбари Ботир Тугалов. - Шу ўринда табиий савол туғилади: томошабинга бугун нима керак, уни қайси мавзулар, зиддиятлар, характерлар қизиқтиради? Ўйлаймизки, ниҳоятда муҳим бўлган бу саволлар театр ижодкорларидан эътиборни талаб қилади. Бунда фақат томошабин қизиқишларини аниқлаб олишнинг ўзи етарли эмас. Балки бугун театрга қандай томошабин киряпти, деган саволга жавоб топиш ҳам ниҳоятда муҳим. Томошабин эса фақат ёш жиҳатдан эмас ақлий тайёргарлик бобида ҳам хилма-хил.

Айни кунларда театр жамоаси ўз мухлисларига Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, Чингиз Айтматовнинг “Эрта қайтган турналар”, Абдулла Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, Шароф Бошбековнинг “Тентак фаришталар” томошалари билан хушнуд этаётир. Таниқли ижодкор, серқирра журналист Фармон Тошевнинг “Тазарру”, “Қалтис қадам” драмалари Самарқанд ва Каттақўрғон театрлари репертуаридан жой олганлиги маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ.**

**Президентимизнинг 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бир гуруҳ фидойи, ташаббускор аёлларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонига кўра, тақдирланганлар орасида Каттақўрғон шаҳар драма театрининг маҳоратли, фидойи актрисаларидан бири Дилором Эгамова ҳам бор. “Дўстлик” ордени билан тақдирланган санъаткор бугун бахт, қувонч оғушида.**

# “Қирққиз”нинг санъаткор қизи

Дилором Каттақўрғон туманининг Қирққиз қишлоғида вояга етган. Саҳнага ҳаваси мактабнинг бадиий ҳаваскорлик тўгарагида шаклланган. Ўз билими, маҳорати билан Тошкент театр санъати (айни кунда маданият ва санъат олийгоҳи) институтини аъло баҳоларда битириб, ижодий фаолиятини ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Каттақўрғон шаҳар драма театрида бошлади. Саҳна муаллимлари, режиссёрлар Неъмат Шомуродов, Равшан Ёриев, Иброҳим Нурмонов ва тажрибали актёрлардан маҳорат дарсларини олди. Дилором топширилган ранг-баранг, турли дунёқарашдаги роллар саҳнада ҳаётий акс эттирди ва ёш истеъдод соҳибасининг табиий ижроси театр мухлислари эътирофини қозонди.



Д.Эгамова Каттақўрғон саҳнасида юзга яқин образлар яратди. Биз унинг сўнгги йилларда талқин этган Ҳайитмат Расулнинг “Қора вабо” драмасида она, Обид Рўзибоевнинг “Меросхўр” пьесасида Розия амма, Чингиз Айтматовнинг “Эрта қайтган турналар” асарида Инкамол, Насрулло Қобулнинг “Тўда” драмасида она каби образлари томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Айни кунларда актриса, шоир, таниқли журналист Фармон Тошевнинг “Қалтис қадам” драмасида ўгай она, драматург Иван Буховчаннинг “Қотил юраги” пьесасида Долорес образларини яратиш учун жиддий изланмоқда.

Ҳаётда қувончу ташвишлар, изтироблар мудом бақамти. Бу синовлар Дилоромни ҳам четлаб ўтмади. Турмуш ўртоғи, мазкур театрдаги саҳнадоши Асрор Жумаев бевақт оламдан ўтди.

Дилором руҳан эзиларди, лекин иродаси букилмади. Суюкли фарзандлари Сардор ва Баҳорани қалб қўри билан вояга етказди, уларни элга қўшди.

Д.Эгамова бугун уч неваранинг бувижониси, келину куёвларига меҳрибон қайнона.

- Театр – муқаддас даргоҳ, - дейди Дилором опа. - Саҳнага садоқат билан хизмат қилган артист кам бўлмайди. Пандемия чекловларидан сўнг томошабинларга яна пешвоз чиқяпмиз. Юртбошимизнинг маданият ва санъатга ғамхўрлиги, эътибори бизни янги давр қаҳрамонларининг ёрқин образларини яратишга даъват этаётир.

«««« Учрашув »»»»

**Жомбой туманидаги Қангли маҳалласи ҳудудида жойлашган маданият саройида ўтказилган тадбир шундай номланди.**

# «Китоб – халқнинг юраги»



Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Бобур Бобомурод, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри Умид Шодмонов, «Ўзбекистон» нашриёти директори Умиджон Ҳайитов ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси, «Янги Ўзбекистон» нашриёти директори ўринбосари, шоир Шавкат Одилжон, ижодкорлар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Туман ҳокими Қаюм Собиров Жомбойда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тўхталди.

- Шиддат билан ўзгараётган шу даврда ёшларда янгича тафаккур, дунёқарашни шакллантириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш катта аҳамият касб этади, - деди шоир Б.Бобомурод. – Бу жараёнда эса китобнинг, хусусан, бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Китобга, шеъриятга ошно бўлган юракка ёвузлик, жаҳолат, бахиллик ин қура олмайди. Унда фақат яхшилик ва эзгулик куртак отади.

**Ёрмамат РУСТАМОВ.**

# Ижодкор технологлар ўз ишларини намойиш этди



**Самарқанд давлат университети мактабгача таълим факультети умумтехника фанлари ва технологиялар кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг ижодий ишлари “Ижодкор технологлар олами” номли кўргазмада намойиш этилди.**

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган кўргазмада асосан 1-2-курс талабаларининг оригами санъати, ёғочга ишлов бериш, таом тайёрлаш технологияси, техник ижодкорлик ва дизайн, тикувчилик, каштачилик, қуроқчилик каби 11 йўналишда ижодий ишлари ҳавола этилди.

- Ижодий ишлар асосан қўл меҳнати асосида яратилган, - дейди мактабгача таълим факультети умумтехника фанлари ва технологиялар кафедраси доценти Маҳсуд Раҳматов. –Талабаларимиз ҳар соҳада фаол ва интилувчан ёшлар. Уларга келгусида болаларга ҳунар ўргатишлари, келажакда ҳаётларида асқатиши учун ушбу йўналишлардаги билимларини мустаҳкамлаяпмиз.

Талабалар ижодий ишларининг барчаси ўзига хос. Уларни бирлаштирган нарса миллийлик. Катта ўқитувчи Майсара Расулованинг айтишича, бугун миллий ҳунармандчилигимиз бўлган қуроқчилик, тикувчилик, каштачилик санъатини ўрганаётган талабалар кўпчиликни ташкил этар экан. Улар ўз ғоялари, янгиликлар қилиши, яратувчанлиги билан миллий қадриятларимизни янада ривожлантирмоқда.

**О.НЕГМАТОВА,**
**Самарқанд “Темурбеклар мактаби” ўқитувчиси.**

Реклама

## ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?








**“Касаба Самарқанд” УК сайёҳлик агентлиги билан бу янада осонроқ!**

“Касаба Самарқанд” УК сайёҳлик агентлиги юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарлари, Фарғона водийси ва бошқа тарихий гўшаларга қизиқарли ва мароқли саёҳатларга таклиф этади. Саёҳат давомида замонавий транспортлар, меҳмонхоналар, ошхоналар ва малакали гид-экскурсоводлар хизмат кўрсатади.

**Телефонлар:**
+99893-356-90-08,
+99866-233-09-84.

**Мурожаат учун манзил:**
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 42-уй.
**E-mail:** kasabasamarqand@gmail.com

*Хизматлар лицензияланган.*




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**1999 йил, август**

Самарқанд шаҳрида 62 та умумтаълим мактаби, 132 та мактабгача тарбия муассасаси, 7 та мактабдан ташқари таълим муассасаси ва 2 та лицей фаолият кўрсатяпти. Уларда 4542 нафар ўқитувчи, 1268 нафар тарбиячи, 199 нафар тўгарак раҳбари ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

26 август куни Регистон майдонида “Шарқ тароналари” иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросими ўтказилди ва Ислом Каримов фестиваль очилишида нутқ сўзлади.

“Шарқ тароналари” иккинчи халқаро мусиқа фестивали 31 августгача давом этди. Унда 29 мамлакатдан ижрочи ва санъаткорлар қатнашди.

**сентябрь**

14 сентябрь куни Самарқандда биринчи марта “Халқаро тинчлик ва бирдамлик куни” нишонланди.

Самарқанд туманида: 600 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 349,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;
давлат қабул пунктларига 11245 тонна сара дон, 38,6 тонна кумуш тола топширилди;
3549 тонна гўшт, 13983 тонна сут ишлаб чиқарилди.

**октябрь**

Вилоят пахтакорлари 97 минг гектар майдондан 262 минг тонна оқ олтин йиғиштириб олди.

**ноябрь**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига биноан Йўлдош Суюнов Каттақўрғон туман судининг раиси этиб тайинланди.

Вилоятда 21 та корхона хусусийлаштирилиб, 700 дан ортиқ кичик ва ўрта корхона ташкил қилинди. Барча манбалар ҳисобидан 31 мингта иш ўрни яратилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,7 миллиард кредит ажратилди.

Каттақўрғон шаҳрида бир вақтнинг ўзида 280 кишига тиббий хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ишга туширилди.

**декабрь**

Вилоятда 525 тонна дон, 200 тонна сабзавот, 13 минг тонна полиз маҳсулотлари, 20 минг 200 тонна картошка, 20 минг тонна ҳўл мева 46 минг тонна узум, 20 минг 500 литр сут ва қоракўл тери ишлаб чиқариш 40 минг 500 донани ташкил этди.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas’uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
18 629 nusxada chop etildi. Buyurtma 226

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G‘.HASANOV.
Navbatchi: O‘.XUDOYBERDIYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009